

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

# **ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОННОМАСИ**

Ахбороннома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
карори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-4  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2021**

**МУНДАРИЖА**  
**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<b>Adamchuk D., Kuziev M., Gurman E., Ulliyeva N.</b> Papaverine effects on sugar absorption in dogs in vivo .....	6
<b>Egamberdiyev R., Nurmetova M.</b> Topinambur – yem xashak ekin .....	8
<b>Алламуратова Г.Б., Бабаджанова С.Х., Жуманазаров Х. Ў., Абдурахмонов Д.А.</b> «Хоразм балиқ маҳсулотлари» акциодарлик жамияти тизимлари карп - <i>Cyprinus carpio</i> (Linnaeus) балиги паразитофаунаси .....	10
<b>Бекчанов Х.У., Эгамберганов О.И., Комилжанова Г.К.</b> Хоразм воҳаси табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиширишининг назарий асослари .....	12
<b>Қосимов З.З., Ақбаров Ф.И., Қодиров У.Х., Ҳўжанов А.Н.</b> Ўзбекистон флорасидаги <i>Helichrysum nurratavicum</i> Krasch. (Asteraceae) потенциал тарқалишини моделлаштириш .....	16
<b>Полвонов Х., Атабоеva З., Доссанова М., Собиров К., Абдуллаев И., Атаниязов О.</b> Термитларни бошқариша биология фаол мoddали ем хўраклардан фойдаланиш .....	23
<b>Райимов А.Р., Рахмонов Р.Р., Нуриддинова Г.А., Жумасев М.Ж.</b> Бухоро вилояти ва унга туаш худудлар (оёғонитма, қандим, оёқгужумли, қизилкум давлат кўрикхонаси) судралиб юрувчиларининг баҳорги тур таркиби ва сони .....	26
<b>Расулов Ш.М., Матиякубов М.Б., Азизова Б.Б.</b> Ўзбекистон Республикасида гельминтозлар билан касалланишинг 2009 - 2019 йиллардаги солиштирма таҳлили ва профилактик чоратадиблари .....	29
<b>Рахманова А., Аллоберганова З.Б., Игамова О.К., Жуманиёзова Т.М., Норбоев З.</b> Кладоцераларни лаборатория шароитида кўпайтириш услублари .....	33
<b>Рўзметов Р.С., Абдуллаев И.И., Бобоҷонова Ҳ.М.</b> Fўза ризосферасида яшовчи бактерияларни ажратиши ва ўсимликларда касаллик чакириувчи замбуруғларга тасьири .....	36
<b>Тургинов О.Т., Азизова Ф.А., Аромов Т.Б.</b> Ҳисор давлат кўрикхонаси флорасидан аникланган камёб ва эндем бўлған топилмалар .....	38
<b>Умарова Ж.Қ.</b> Барг пластиинкасининг калинлиги бўйича ўзгарувчаник, ирсийаниш ва ирсиятга узатилиш кўрсаткичи .....	43
<b>Хусанов А.К., Собиров О.Т.</b> Галл ҳосил қилувчи шираларнинг (Homoptera, Aphidinea) озука ўсимлигига ихтиосланниши .....	45
<b>Шакарбоев Э.Б., Бердибаев А.С., Жумамуратов Ж.Э., Ахунова Х., Каниязов А.Ж.</b> <i>Alaria alata</i> (Goeze, 1782) трематодаси Қорақалпогистон йиртқич ҳайвонлари эндопаразити .....	49
<b>КИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ФАНЛАРИ</b>	
<b>Xaydarova Z.R., Xaydarov A.R.</b> Aqlli qishloq xo'jaligidagi IOT dasturlari .....	52
<b>Акромов Б.А.</b> Ўзбекистонда саримсок етишириш .....	54
<b>Исаев С.Х., Қодиров З.З.</b> Соя навларини сугорища этат узунлиги ва сув окими тезлигининг сояни сугориш меъёллари, соянинг дон хосилига тасьири .....	55
<b>Исаев С.Х., Қодиров З.З.</b> Сув танқислиги шароитида сояни сугорища ресурстежамкор сугориш технологияларнинг илмий ахамияти .....	58
<b>Маматкулова Ф.А., Ҷалалова Г.Т.</b> Влияние крутизны и экспозиции склона на гумусное состояние эродированных почв предгорной и горной территории Республики Узбекистан .....	61
<b>Низомов Р.А., Садуллаев С.М., Абдуллаев Д.М.</b> Қовун навларини етишириш ва ҳосилдорларини оширища гидрогеллинг тасьири .....	64
<b>Ражабов З.П.</b> Хоразм вилояти тупроқ-иклими шароитида янги ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши хамда кимматли хўжалик белгилари .....	68
<b>Рузинев Ф.А., Джаббаров И.Ш.</b> Генетический контроль показателей качества зерна яровой мягкой пшеницы .....	71
<b>Таджиев А., Отаназаров Д., Ибрагимова Н.</b> Тупроқ экологиясини яхшилаш ва унумдорларини оширища гумус ҳосил қилувчи ферментларнинг ахамияти .....	75
<b>Тошқўзиев М.М., Каримов Ҳ.Ҳ.</b> Қибрай тумани сугориладиган типик бўз ва бўз-ўтлоқи тупрокларининг гумус микдори, сингдириши сифими, сингдирилган катионлар таркиби .....	78
<b>Юнусов Р., Ганиева Ф.А.</b> Кесиш усули ва даражаларининг олма дараҳти барг сатҳига тасьири .....	81
<b>ТЕХНИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Eshniyozova N.N., Jo'rayev M.M., Eshchanov R.A.</b> Vermikulit asosidagi ion almashinuvchi materiallarning xossalari .....	84
<b>Үринова Ш.А., Балтаев У.С., Ачилова С.С.</b> Махаллий хом ашёлар асосида маргарин рецептура тузиш .....	88
<b>ТАРИХ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Sadiqova R.I.</b> O'rta asrda turkiy xalqlar madaniyati .....	90
<b>Айтмуратова Ж.</b> Собиқ Иттифоқнинг ғоявий-сиёсий тазийклари даврида Қорақалпогистон илм-фан зиёлларни хизмати .....	92

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ТУТАШ ҲУДУДЛАР (ОЁҚОГИТМА, ҚАНДИМ,  
ОЁҚГУЖУМЛИ, ҚИЗИЛҚУМ ДАВЛАТ ҚЎРИҚҲОНАСИ) СУДРАЛИБ  
ЮРУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТУР ТАРКИБИ ВА СОНИ**

*A.P. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро  
Р.Р. Раҳмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро  
Г.А. Нуриддинова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро  
М.Ж. Жумаев, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқҳонаси ва унинг атрофидаги судралиб юрувчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудий тарқалиши ва сонини биотоплар бўйича хилма-хиллиги таҳлил қилинган.

**Калинг сурлар:** Чўл, яйлов, қўриқҳона, юлғун, оқ саксовул, күёнсуяқ, Қизил китоб, CITES, IUCN, UzRDB, Ўрта Осиё чўл тошибақаси, Ўрта Осиё кобраси, бўз эчкемар, агама, калтакесак, тухум, маршрут, стационар, фауна, флора.

**Аннотация.** Региональное распределение и количество рептилий весной в Бухарской области и прилегающих к нему районах Агитма, Кандым, Гужумли, Кызылкум государственный заповедник и его окрестности были проанализированы.

**Ключевые слова:** Пустыня, пастбище, запас, ива, белый саксаул, заяц, Красная книга, СИТЕС, МСОП, UzRDB, Среднеазиатская черепаха, Среднеазиатская кобра, Среднеазиатский серый варан, агама, ящерица, яйцо, маршрут, стационар, фауна, флора.

**Abstract.** *Bukhara region and adjacent areas Ayogogitma, Kandim, Ayoqgijrumli, Kyzylkum State Nature Reserve and its surroundings were analyzed for the regional distribution and number of reptiles in the spring by biotope diversity.*

**Key words:** Desert, pasture, reserve, tamarix aphylla, haloxylon persicum, ammodendron conolly, Red Book, CITES, IUCN, UzRDB, Agrionemys horsfieldii, Naja oxiana, Varanus griseus, agama, lizard, eggs, route, stationary, fauna, flora.

**Тадқиқот обьекти:** Бухоро вилояти ва унга туташ бўлган ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқҳонаси ва унинг атрофидаги судралиб юрувчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудий тарқалиши ва сонини биотоплар бўйича хилма-хиллиги ўрганиши сифатида турли яшаш мухитларида учровчи Судралиб юрувчилар ва уларнинг популациялари олинган.

**Тадқиқот предмети:** Бухоро вилояти ва унга туташ бўлган ҳудудлар Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқҳонаси ва унинг атрофидаги судралиб юрувчиларнинг турли яшаш мухитларида хозирги кундаги холатини ўрганиш орқали сонини аниқлаш, табиатдаги ва хўжаликдаги аҳамиятини белгилашдан иборатлиги хисобланади.

**Материал ва методика:** Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг катта кисмини гил тупрокли, тошли чўл, шўрланган ботқокликлар ва кум тепаликлар ташкил қиласди. Чўлда ўсимликлардан юлгун *Tamarix*, оқ саксовул *Haloxylon persicum*, кора саксовул *Haloxylon aphyllum*, коврак *Descurainia sophia*, шувок *Artemisia diffusa*, янток *Alhagi pseudalhagi*, күёнсуяқ *Ammodendron conollyioccisor* ва шунга ўхшаш эфимер, ҳамда эфимероидлар ўстган. Чўлдаги яйловлардан чорва моллари айниқса кўй ва эчкиларни боқиши учун кўпроқ фойданилади. Кейинги йилларда бу ҳудудларда ҳам курилиш ҳамда транспорт, ва темирйўл курилиши, газ кувурларини ўтказиш ҳудуд биологик хилма – хиллигига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Оёқогитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилқум давлат қўриқҳонаси, ва унга ёндош ҳудудларда судралиб юрувчилар фаунаси тур таркибини аниқлаш мақсадидаги кузатувларимизни 2020-йил баҳор мавсумининг март, апрель ва май ойларида (04–11, 18–25 март, 05–12, 19–26 апрель ва 01–08, 15–22 май 2020) амалга оширилди. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд стационар ва маршрут санаш усуллари орқали курукликда ҳаммаси бўлиб 32 марта хисоб ишлари олиб борилди [2;3;4;5;6]. Ҳайвонларнинг сонини хисобга олиш натижалари 10 гектарли ўлчовдош майдонга экстраполяция қилинди ва ҳайвонлар жамоасининг зичлиги қуидаги формула бўйича аниқланди:

$$D = \frac{n}{2 \cdot L \cdot W};$$

бу ерда D – зичлик; n – учратилган қушлар сони; L – маршрут бўйи; W – маршрут эни, ёки маршрут ўқидан хисоб олиб борилган йўлакнинг чегарасигача бўлган масофа. Маршрут ўқидан чап ва ўнг томонлардаги қушларни хисобга олиш учун формуласи 2 кўпайтмаси кўлланилган, аммо бизнинг

хисобларимиз натижалари кўлларнинг ўзига хослигидан келиб чиккан ҳолда, маршрут ўқининг бир томонидан олинди.

**Натижа ва мухокама** 2020-йили баҳор мавсумида Оёқғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилкүм давлат қўриқхонаси, ва унинг атрофи сурдалиб юрувчилар фаунаси ўрганилиб, олинган маълумотлар таҳлили асосида 2 туркумга мансуб 26 сурдалиб юрувчилар тури учраши аниланган. Куруқлик, тепалик ва колдиқ тоғлар ҳамда аҳоли пунктida қайд этилган турларнинг сони ва миқдорий ўзгириши, ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

1-жадвал

**Оёқғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилкүм давлат қўриқхонаси, ва унга ёндош ҳудудларда сурдалиб юрувчиларнинг тур таркиби ва сони**

№	Туркум ва турнинг номи	Мухофаза макоми	Март	Апрел	Май	Жами	%
Тошбакалар <i>Testudines</i>							
1	Ўрта Осиё чўл тошбакаси- <i>Agrionemys horsfieldi</i>	UzRDB, RL, CITES II	1	4	8	13	1.79
Тангачалилар <i>Squamata</i>							
2	Мольчанов тўғаракбоши- <i>Phrynocephalus molschanovi</i>	UzRDB	-	1	3	4	0.55
3	Кум тўғаракбоши- <i>Phrynocephalus interscapularis</i>		5	6	12	23	3.16
4	Қизилқулук калтакесак- <i>Phrynocephalus mystaceus</i>		4	13	22	39	5.37
5	Туркистон агамаси - <i>Laudakia lehmanni</i>		5	12	36	53	7.30
6	Дашт агамаси - <i>Trapelus sanguinolentus</i>		10	23	26	59	8.12
7	Тарокбормокли геккон- <i>Crossobamon eversmanni</i>		8	14	16	38	5.23
8	Каспий геккони- <i>Cyrtopodion caspius</i>		13	16	28	57	7.85
9	Туркистон геккони- <i>Cyrtopodion fedtschenkoi</i>		4	9	17	30	4.13
10	Синик геккони - <i>Teratoscincus scincus</i>		1	4	6	11	1.51
11	Тўр калтакесак - <i>Eremias grammica</i>		10	21	24	55	7.57
12	Ўртча калтакесак - <i>Eremias intermedia</i>		5	8	17	30	4.13
13	Чизикили калтакесак- <i>Eremias lineolata</i>		6	7	12	25	3.44
14	Тез калтакесак - <i>Eremias velox</i>		11	21	43	75	10.33
15	Чўй тақир кўзи - <i>Ablepharus deserti</i>		13	23	26	62	8.53
16	Бўйз эчкемари - <i>Varanus griseus</i>	UzRDB CITES I	2	5	7	14	1.92
17	Кум бўғма илони - <i>Eryx miliaris</i>	UzRDB, CITES II	2	3	10	15	2.06
18	Ҳинд бойгаси <i>B.t.melanocephala</i>	UzRDB	-	1	2	3	0.41
19	Кўндаланг йўлли чипор илон - <i>Coluber karelinii</i>		3	6	11	20	2.75
20	Ранг баранг чипор илон - <i>Coluber ravergeri</i>		-	3	6	9	1.23
21	Накшдор чипор илон - <i>Elaphe diogene</i>		1	4	7	12	1.65
22	Ағфон литоринхи - <i>Lytorhynchus ridgewayi</i>	UzRDB	1	2	3	6	0.82
23	Сувилон - <i>Natrix tessellata</i>		11	15	24	50	6.88
24	Ў илон - <i>Psammodromus lineolatus</i>		1	3	4	8	1.10
25	Холдор чипор илон - <i>Spalerosophis diadema</i>		2	4	5	11	1.51
26	Ўрта Осиё кобраси - <i>Naja oxiana</i>	UzRDB, RL, CITES II	-	1	3	4	0.55
Жами			119	229	378	726	100

**Изоҳ:** UzRDB – Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар (кенжा турлар) (2019)

**RL** – Табият ва табиий ресурсларни мухофаза килиш халқаро иттифоки (IUCN) нинг Қизил рўйхатига киритилган турлар (кенжা турлар) (2004)

**CITES I, CITES II** – Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларнинг халқаро савдоси конвенциясининг иловаларига киритилган турлар (кенжা турлар).

Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлар Оёқғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилкүм давлат қўриқхонаси ва унинг атрофидаги сурдалиб юрувчиларнинг баҳор мавсумида ҳудудда учраган сурдалиб юрувчилар фаунасидан 7 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, 2 тур IUCN Қизил рўйхатига, 4 тур CITES нинг I ва II иловасига киритилган [1].

Дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми саналган ҳайвонот дунёсини мухофаза килиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, мазкур масалаларни ўрганиш, уларни ҳал килиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳайвонларни мухофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш, овчилик хўжаликлари юритишини тартибга солиш ҳамда аҳолининг иктиносидий, ижтимоий фаровонлигини оширишда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бир йўналиши табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини келажак авлодларга саклаб колицидан иборат. Кейинги йилларда табиий ландшафтларга антропоген таъсиirlарнинг кўлами ортиб бориши, табият компонентлари ҳисобини олишни ва шундан келиб чиқиб уларни баҳолаб бориши ва тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқишни талаб киласи. Бироқ, Оёқғитма, Қандим, Оёқгужумли, Қизилкүм давлат

кўрикхонаси, ва унга ёндош худудларда судралиб юрувчиларнинг тур таркиби, сони, биотопик тақсимланиши, кўпайиши, мавсумий ва давомийлиги ўрганилмаганлиги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Биз олиб борган ҳисоб ишлари кўреатишича, тадқиқот олиб борилган биотопларда баҳор мавсумида 2 туркумга мансуб 26 турдаги судралиб юрувчилар тури рўйхатга олинди (1–жадвал).

Худуддаги тадқиқотлар давомида ҳаммаси бўлиб 7 тур муҳофаза килинадиган судралиб юрувчилар учраб, улардан 7 тури Ўзбекистон Республикаси Кизил китобига, 2 тур IUCN Кизил рўйхатида, 4 тур CITES I; CITES II га киритилганлигини ўрганишлар орқали аниқлашга эришилди (1-жадвал). Март ойида судралиб юрувчиларнинг тур сони май ойгача ортиб борди (26 тур), жумладан сони ҳам 259 га кўпайди. *Eremias velox*, *Ablepharus deserti*, *Trapelus sanguinolentus*, *Cyrtopodion caspius*, *Eremias grammica*, *Natrix tessellata* сонининг кўрайиши кузатилди. Бу турлар таркибининг ортиши озиқа захираларининг ривожланганлиги, кўпайиш учун зарур имкониятлар мавжудлиги билан бевосита боғлиқ. Бўз эҷемарнинг гўшти ва суюгининг шифобахшлиги тўғрисида аҳоли орасида тарқалган нотўғри тушунча маҳаллий аҳоли томонидан режасиз ва тартибсиз овланишига сабаб бўлмоқда.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси ва унинг тухумлари чорва молларининг оёклари остида эзилиши, ва чўпон итлари томонидан нобуд қилиниши оқибатида ҳозирги вактда унинг сони кескин камайган. Чўлдаги яйловлардан чорва моллари, туяларни кўп бокилиши ўрганилган худудда судралиб юрувчилар хаётига, айникса уя куриб кўпайиши ва шундан келиб чиқиб кўпайиш самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омилларга киради. Худуд бўйлаб 11.04.2020 да Оғитма аҳоли пунктидан Узунқудук томон 10–15 км узокликда ва бошқа йўналишларда ҳам автомобиллар билан тўқнашиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Кизил китобига киритилган *Varanus griseus* нинг магистрал йўлларга тасодиған чиқиб колиши оқибатида ҳалок бўлиши кузатилган бўлса, май ойи охирида чўпонлар томонидан *Agriornetys horsfieldi* нинг тутиб олиниши ва тутқинликда сакланиши қаби салбий таъсиirlар ҳам кузатилди.[7]

Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри сифат ва миқдор жиҳатидан келтирилган маълумотларнинг тизимлаштирилган ҳисоботидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, классификацияланishi, сон динамикаси, ўрганилганлик даражаси ва бошқа ҳайвонот дунёсини муҳофаза килиш, улардан баркарор фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш учун зарур бўлган аҳборотлардан ташкил топади. Бугунги кунда ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотлари Ўзбекистонда жумладан Бухоро вилоятида учрайдиган ҳайвон турларининг умумий миқдори тўғрисида аниқ маълумот олиш имконини бермайди. Шунинг учун бу борадаги амалий ишларни олиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Кизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175 б.
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019. №7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
4. Rayimov A.R., Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of Acridotheres Tristis // Solid State Technology 2020. – № 5 . – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSTT/article/view/ 5946>
5. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. - The role of Acridotheres Tristis in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:10.5923/j.ivmb.20190801.01>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of Acridotheres tristis in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia , 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
7. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256. © 2020 International Journals of Sciences and High Technologies. <http://ijpsat.ijsh-journals.org>